


**Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва “Паррандасаноат” уюшмаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2018-2020 йиллар учун ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ**

**I. Умумий бўлим.**



«Паррандасаноат» уюшмаси (бундан буён-«Уюшма») ва Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши (бундан буён - «Республика кенгаши») кейинги ўринларда «Тарафлар» деб аталади.

**1. «Тарафлар»:**

а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлан-тиришга оид стратегик кўрсатмаларини ижро учун қабул қилиш;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган Бош Келишуви талабларини бажариш;

г) Паррандачилик соҳасида меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш энг олий мақсад деб ҳисоблаш;

д) Ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзасидан барқарорликни сақлаб туриш ишларида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошириб бориш;

е) Касаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида тизимли ҳамкорлигини таъминлаш;

ё) Ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан келишиб, сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб бериш мақсадида мазкур Тармоқ келишув (бундан буён-«Келишув»)ини туздилар.

**2. «Тарафлар» ўз зиммаларига қуйидаги йўналишлар бўйича мажбуриятлар оладилар:**

-касаба уюшмаси органлари аъзоларига ўзларининг вакиллик фаолиятларини амалга оширишлари муносабати билан иш берувчи томонидан бирон бир шаклдаги таъқиб қилинишдан ҳимоя этиш кафолатлашни;

-касаба уюшмаси органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, шунингдек касаба уюшмаси органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколоти тугаганидан кейин икки йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмасликни; (Ўз.Рес. МК 25-моддаси).

-касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ходимларнинг даромадларидан уларнинг ёзма аризасига биноан корхоналар бухгалтерияси орқали ойма-ой ушлаб қолиниб, касаба уюшма кўмитаси ҳисоб рақамига ўтказилиб боришини;

-касаба уюшмалари аниқлаган қонунбузарликлар мансабдор шахслар томонидан бартараф этилмаган ҳолатларда, юридик шахсларнинг юқори органлари билан ижтимоий шериклик ва мулоқот асосида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини судгача ҳимоя қилиш тизимини жорий этишни.

3. Ушбу келишувнинг тўлиқ ва аниқ бажарилиши учун «Тарафлар» масъулдирлар, Келишувнинг бирон бир банди бажарилмаган тақдирда «Тарафлар» қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлиш мажбуриятлар оладилар.

4. «Тарафлар» тизимда “Ишонч” телефонлари тармоғини кенгайтириш орқали

ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизмини янада такомиллаштириш ишлари олиб борадилар.

5.Тизимидаги ташкилотларда Халқаро меҳнат ташкилотининг асос солувчи конвенцияларига риоя этилишига доир чоралар тизими ҳар йили таҳлил қилинади.

6.Тизимидаги иш берувчилар томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг «Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-сонли конвенциясига мувофиқ, ташкилотларда ходимлар вакилларининг эркин фаолият кўрсатиши учун барча шароитларни яратадилар.

## **II. «Уюшма»нинг мажбуриятлари.**

### ***Ишлаб чиқариш фаолияти бўйича:***

1. Иш берувчи, ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив-ҳужжатларда меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қараши, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши шарт.

2. Иш берувчи, ходимдан унинг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни, ходимнинг соғлиги ва ҳаётига хавф солувчи, шунингдек уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи вазифаларни бажаришни талаб қилишга ҳақли эмас.

3. Ҳар бир раҳбар Меҳнат қонунчилигига ва бошқа қонунларга қатъий амал қилишлари, ходимлар эса корхона, ташкилот ва хўжалик раҳбарларининг топшириқларини ўз вақтида сифатли ижро этишлари, шунингдек Меҳнат Кодекси талаблари ва ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя этишлари шарт.

4. Меҳнат интизоми, ҳалол меҳнати учун рағбатлантириш ва мукофотлаш усуллари билан нормал тарзда ишлашга зарур ташкилий ва иқтисодий шароитларни яратиб бериш, ноинсоф ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда (касаба уюшмаларининг розилигини олган ҳолда) жазо чораларини қўлланиши орқали таъминланади. (МК 179-модда).

5. Тизимида янги замонавий технологияларни жорий этиш натижасида ходимларни қайта ўқитиш ва малакасини оширишни марказлаштирган ҳолда иш берувчилар томонидан (молиявий таъминланган ҳолда) амалга ошириш чораларини кўради.

## **III. Республика кенгашининг мажбуриятлари.**

1. Ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш учун, меҳнат жамоаларини сафарбар қилишда ўз ваколатлари доирасида хўжалик органлари билан ҳамкорликда иш олиб боради ва уларга кўмаклашади.

2. Ягона ижтимоий тўловлар ва касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан соҳа ходимларига ва уларнинг фарзандларига болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмаларни белгиланган тартибда берилишини назорат қилади.

3.«Уюшма» ҳамда унинг тизимидаги аъзо ташкилотларнинг касаба уюшма кўмиталарига касаба уюшмаси бюджети маблағларидан оқилона (рационал) фойдаланишда ва бюджетларини мақсадли йўналишлар бўйича тақсимланишида услубий ва амалий ёрдам бериб, бажарилишини назорат қилишда касаба уюшма кўмиталарига кўмаклашади.

4. Ишлаш ва дам олиш вақтлари, меҳнатга ҳақ тўлаш, ойлик маошни ва ойлик маошга кўшимча тўланадиган имтиёзлар бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда юридик ва услубий ёрдам беради.

5. Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш ва тизим корхоналарида содир бўлган бахтсиз ходисаларни текшириш комиссияларида иштирок этиш учун ўз вакилларини юборади.

6. Бахтсиз ходисаларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни

бажарилишини ҳамда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси талабларига иш берувчилар томонидан риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини ўтказди.

**Қўйидагиларда иштирок этади:**

а) меҳнат муҳофазаси бўйича касаба уюшма фаолларининг ўқишлари, семинарлари ва кенгашларини ўтказишда;

б) меҳнат муҳофазаси ҳолати бўйича «Уюшма» томонидан ўтказиладиган комплекс текширувларда;

в) ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича билимларини текширувчи комиссия ишида;

г) меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси бўйича қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишда

д) янги ишга тушириладиган объектларни қабул қилишда иштирок этади.

7. «Уюшма»га аъзо ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси моддаларида ва мазкур Тармоқ келишувида кўзда тутилган талабларни бажарилишини доимий назорат қилиб боради.

8. Иш берувчи томонидан ходимларнинг ойлик маошлари қонун талабларига зид ҳолда ўз вақтида тўланмаган ҳолларда, иш берувчидан корxonанинг молиявий имкониятларини инобатга олган ҳолда чора-тадбирлар ишлаб чиқишни ва қисқа муддатларда иш ҳақи бўйича қарздорликни тугатиш борасида тақдимномалар киритиб боради.

9.«Уюшма»га аъзо ташкилотларнинг раҳбарларига меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ва ишлаб чиқариш технологияларини бузилмаслигига, шунингдек корхонада ишлаб чиқариш унимдорлигини оширишда керак бўладиган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда методик ва услубий қўлланмалар билан кўмаклашади.

10. Ходимларни корхона мулкига бўлган муносабатини яхшилашга ва бу мулкка ўз мулкига қарагандек қарашга, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашёни тежаб ишлатишга ва корхона моддий бойликларини асрашга ўргатувчи, тушинтириш ишларини олиб боради.

11. Маънавият ва маърифат хоналарини ташкил этилганда бевосита иштирок этади.

12. Спортнинг ўйин турлари бўйича тармоқ миқёсида мусобақалар, спартакиадалар ташкил қилиш ва ўтказишни, тармоқ терма жамоаларининг Республика мусобақаларида иштирок этишини ташкил қилади.

13. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, меҳнат қонунчилиги, хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича касаба уюшма фаолларини малакасини ошириш мақсадида ўқув семинарларини ўтказиш ва доимий малака ошириш курсларини ташкил қилади.

14. Касаба уюшмалари ва иш берувчиларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этади, уларнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл қўймайди.

#### **IV. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш кафолатлари**

1. Иш берувчи тизимида меҳнатга ҳақ тўлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ягона тариф сеткасига кўра амалга оширилади. Ягона тариф сеткаси бошланғич разряди сифатида биринчи разряд белгиланади ва амалдаги тариф коэффициентлари, шунингдек тариф ставкаларини энг кам иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгилаш тартиби сақлаб қолинади. Иш ҳақининг кафолатланган энг кам миқдорига оғишмай риоя қилиниши таъминланади.

2. Ходимларнинг лавозим маошлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг қабул қилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига асосан белгиланади.

3. Ходимларнинг лавозим маошлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармониغا асосан белгиланган тартибда ошириб борилиб, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисми ўртасидаги мақбул нисбатни давлат томонидан ва жамоа шартномалари воситасида ўрнатилишини таъминлайди.

4. Республикада энг кам иш ҳақи даражаси ўзгарган тақдирда тариф ставкалари ва лавозим маошларини ўз вақтида кўриб чиқишни амалга оширади.

5. Тизимдаги корхоналарда ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларига риоя этилишини «Тарафлар» биргаликда назорат қилиш ҳамда жорий этилиши чораларини кўради.

6. Иш берувчининг айби билан иш ҳақи ўз вақтида берилмаган ҳолларда иш берувчига нисбатан моддий жавобгарлик кўриш чоралари корхоналарнинг жамоа шартномаларида кўзда тутилади. (Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 88-сонли қарори)

7. «Уюшма»нинг тасарруфидаги ва аъзо корхоналарида иш ҳақини ҳисоблаш, уни тўлаш, йўриқномалар ва кўрсатмаларни тўғри қўлланилишини текшириш ва ўз вақтида маошларни берилишини назорат қилади.

8. «Уюшма»нинг тасарруфидаги ва аъзо корхоналарини молиявий имкониятларига қараб ходимларни моддий рағбатлантиришга қаратилган мукофот, қўшимча ҳақ, ҳар-хил компенсациялар (овқатланиш, йўл ҳақи) ва тўловлар тўлаш жамоа шартномаларида алоҳида белгиланади.

9. Иш берувчи ёш ходимлар, хомиладор аёллар, ногирон ва қонунда белгиланган имтиёзга эга бўлган ходимларга иш вақти ва иш ҳақини қасаба уюшмаси органи билан келишилган ҳолда меҳнат қонунчилиги асосида белгилайди.

10. Тунги, кечки, иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам кунлари ишлаганларни қонунда кўрсатилган имтиёзлар билан таъминлайди.

11. Дам олиш ва байрам кунларида бажариладиган иш учун компенсация ва ҳақ тўлаш Меҳнат Кодексининг 157-моддасида кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган ҳолда белгиланади.

12. Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ қўшимча харажатлар (МКнинг 170, 171, 172, 173-моддалари) қонун ҳужжатлари ва жамоа шартномалари, ушбу Келишув, шунингдек Меҳнат шартномаларида белгиланган шартлар ва тартибда иш берувчилар томонидан қопланади.

13. Корхоналар бўйича ўртача иш ҳақи жамоа шартномаларида алоҳида белгиланади.

14. Ходимлар меҳнат соҳасида давлат ва жамият олдидаги алоҳида хизматлари учун давлат мукофотларига тақдим этилиши мумкин. Ходимларни аттестациядан ўтказиш жараёнида, алоҳида хизматлари учун «Фахрий ёрлик» ва унвонларга, давлат мукофотларига тақдим қилинаётганда қасаба уюшмаси органларининг тавсия ва кўрсатмаларини инобатга оладилар.

#### **V. Меҳнат шартномаси, бандлик кафолатлари**

##### ***Ишга қабул қилишга йўл қўйиладиган ёш қўйидагича белгиланади:***

1. Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин.

2 «Уюшма» ва унинг аъзо ташкилотларида амалдаги қонунларга асосан, меҳнат шароити ўзгариши, қисқариши билан боғлиқ ҳолларда ўз ходимларини иш билан

таъминлаш чоралари кўрилади ва жамоа шартномаларида иш билан таъминлаш соҳасида қўшимча имтиёзлар назарда тутилади.

3. Янги ишга қабул қилинган ходимни дастлаб касаба уюшмаси кўмитаси (ташкilotчиси)да танишув суҳбатидан ўтишини йўлга қўяди.

4. Иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш вақтини белгилаб беради.

5. Оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитида ишлаётган ходимларга йиллик қўшимча таътиллار бериш, корхоналар жамоа шартномаларида алоҳида белгилаб қўйилади.

6. Йиллик асосий таътил (қонун ҳужжатларига биноан асосий узайтирилган таътиллار ўрнатилган ходимлардан ташқари) барча ходимлар учун 15 иш кунидан кам бўлмаслиги белгиланади. Қуйидагиларга уларнинг ёши ва соғлиғи ҳолатини ҳисобга олиб, йиллик узайтирилган асосий таътил берилади:

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга - ўттиз календарь кун;

ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига - ўттиз календарь кун.

7. Ходимларга қуйидаги ҳолларда ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллار берилади:

- фарзанд туғилганида отага икки иш куни;

- оила қуриш муносабати билан уч иш куни;

- яқин қариндошларининг дафн маросимига уч иш куни.

8. Ходимга йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқариш, таътиллارни бериш вақти бўйича имтиёзлар, таътиллار учун ҳақ тўлаш Меҳнат кодексининг 142, 144, 148-моддалари талабларига қўшимча равишда, жамоа шартномаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9. Ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга Меҳнат кодексининг 137-моддасига мувофиқ меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос, оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитидаги ишларда ишловчилар учун йиллик қўшимча таътил бериш имтиёзларини жамоа шартномаларига киритилишини таъминлайди.

10. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 150-моддасида кўрсатилган ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериш кафолатини олади, лекин у ўн икки ойлик давр мабойнида жами уч ойдан ортик бўлмаслиги керак.

11. Ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган, муддати икки ҳафтадан кўп бўлмаган таътил даври ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажига қўшилади. (МК 142-модда).

12. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда иш берувчи ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътиллари бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилади.

13. Тизимдаги бошқарув идорасининг ташаббуси билан иш жойларининг қисқартирилиши ёки иш шароитининг ёмонлашувига олиб келадиган корхона ва таркибий бўлинмаларни тугатиш, ишлаб чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш ҳолатлари, касаба уюшмасининг тегишли органлари камида уч ой олдин хабардор қилиб қўйилган ва улар билан ходимларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига риоя этиш юзасидан музокара ўтказилган тақдирдагина амалга оширилади.

14. Иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ўз вақтида, лекин камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органига ахборот тақдим этади ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга оширади. Иш берувчи, шунингдек камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиши шарт (МК 102 модда).



15. Иш ўрнини қисқариши, меҳнат шароитини ўзгариши муносабати билан ишдан бўшатишга ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига қонунларда белгиланган тарзда моддий ёрдам беришни таъминлайди.

16. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни фақатгина касаба уюшмасининг олдиндан розилигини олиб амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ушбу масаладаги ёзма тақдироти Касаба уюшмаси кўмитасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11 сон қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби” асосида кўриб чиқилади.

17. Ходимларни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар жамоа шартномаларида белгиланади.

18. Корхоналар банкрот бўлганда ходимларни иш билан таъминлаш ҳамда ижтимоий ёрдам бериш чоралари жамоа шартномаларида алоҳида кўрсатилиши таъминланади.

19. Иш берувчи томонидан йилнинг совуқ фаслларида очиқ жойларда ёки иситилмайдиган ёпиқ хоналарда меҳнат қилувчилар учун корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларига асосан, махсус танаффуслардан фойдаланиш имконияти берилади. Бунинг учун иш бажариладиган жойда махсус иситиладиган хона ажратилади. Ушбу танаффуслар ҳақ тўланадиган иш вақтига киритилади. Бундай махсус танаффуслар бериладиган касблар, лавозимлар ва ишлар рўйхати жамоа шартномаларида кўрсатилади.

20. Тармоқда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолини бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида бўшатиб олинган ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш, ижтимоий ҳимояга мухтож шахсларни ишга жойлаштиришга эътиборни қаратиш ва бажариш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаб бориш ишлари амалга оширилади.

21. «Тарафлар» олий, ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари, Қуроли Кучлар сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар ва ижтимоий ҳимояга мухтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга кўмаклашади.

## **VI. Меҳнат муҳофазаси**

1. Иш берувчи Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 14.08.1996 йил 272-сон билан рўйхатга олинган “Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ва билимларни текшириш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги ва 14.08.1996 йил 273-сон билан рўйхатга олинган “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги намунавий Низомлар асосида ишларни ташкил этади.

2. Меҳнат хавфсизлиги стандартларига қатъий ва аниқ амал қилиш устидан назоратни олиб бориш корхонанинг меҳнат муҳофазаси хизмати зиммасига юклатилади.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 12-моддаси талабларига асосан, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни

муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

4. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифалари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сон қарори билан тасдиқланган “Қорхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида иш юритади.

6. Республика кенгаши билан ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларини олдини олиш бўйича қўшма чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда унинг бажарилишини таъминлайди.

7. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари”га мувофиқ ишларни амалга оширади.

8. Меҳнат муҳофазаси хоналари, хавфсизлик техникаси бурчакларини жиҳозлаш ҳамда ўқиш ўтказиш бўйича техника-воситаларини, ўқув ва кўргазма куролларни, плакатларни ва хоказоларни сотиб олиб беришни ташкил қилади.

9. Келгуси йил учун меҳнат муҳофазаси бўйича битим тайёрлаш борасида барча иш жойларида меҳнат шароити бўйича экспертиза ўтказишни ва келаси йилнинг 1-январ ойигача иш шароитларининг санитария-техник аҳволига оид паспорт тўлдирилиши юзасидан назорат олиб боради. Паспортда аниқланган камчиликларни санитария қоида ва меъёрлар талабига келтириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиб, меҳнат муҳофазаси бўйича битимга киритилишини ҳамда битимда назарда тутилган чора-тадбирларнинг бажарилиши учун маблағ ажратилишини таъминлайди.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги “Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарни жароҳатлаш хавфи-лиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 263-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ аттестациядан ўтказишни таъминлайди.

11. Меҳнат кодексининг 217-моддасига кўра, махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювиш воситаларини, даволаш-профилактика озиқ-овқатлари (ДПО) билан бепул таъминланиш ҳуқуқини берадиган ишларда ишловчи ходимлар рўйхатини тузади, жамоа шартномасига илова қилади. Белгиланган муддатларда тасдиқланган рўйхатга мувофиқ махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювиш воситаларини даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминлайди.

12. Меҳнат кодексининг 214-моддасига мувофиқ иш берувчи меҳнат шароити зарарли ва хавfli ишларда (бундай касб ва ишлар рўйхати жамоа шартномасида кўрсатилади) ишловчи ходимларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиши.

13. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар сайланиши, ўқитилиши, малакаси оширилиши жараёнлари, уларнинг самарали ишлаши учун шароитлар яратиб берилишини ҳамда иш берувчи касба уюшмаси билан келишган ҳолда Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларни рағбатлантириб боришни ташкил этади.

14. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил этилган шахсга ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ҳар ҳафтада камида икки соат иш вақти ажратилади ва бу вақт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланишини таъминлайди.

15. “Яшил иш ўринлари”, яъни муносиб меҳнат шароитларига эга иш ўринлари ташкил этади.

16. Республикада ишлаб чиқарилаётган ёки хориждан сотиб олинаётган ишлаб чиқариш воситалари ва технологияларни синаш ва фойдаланишга қабул қилиш давлат комиссиялари таркибига касаба уюшмаси Республика кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимини киритилишини таъминлайди.

17. Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови бўйича корхона, ташкилот, муассасалар, шунингдек бошлангич касаба уюшма кўмиталари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ўртасида жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика танлови ўтказиш ва голибларни юқори касаба уюшма ташкилотларига тавсия этиш Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг 2017 йил “29” ноябрдаги 10-1 “с” сон қарори билан тасдиқланганга “Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови тўғрисида” ги Низомида белгиланган тартибда амалга оширади.

18. Касаба уюшмалари барча босқичларда меҳнат муҳофазасини, шунингдек иш берувчилар бу борадаги ўз мажбуриятларини бажариши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади. Касаба уюшма ташкилотларининг меҳнат муҳофазаси борасида қабул қилган қарорлари иш берувчилар томонидан бажарилишини таъминлайди.

19. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларини ҳар йилнинг 1-октябрга қадар кузги-қишки мавсумга тайёрлаш чораларини кўради.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари” талабларига мувофиқ ҳолда ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидан суғурта қилади.

## **VII. Ижтимоий кафолат ва мажбуриятлар**

1. «Уюшма» ва унинг тасарруфидаги аъзо ташкилотлар меҳнат жамоалари аъзоларини меҳнат қонунчилигида кўрсатилган ижтимоий кафолатлардан фойдаланишини таъминланади.

2. 2018-2020 йилларда ходимлар ижтимоий химоя қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ҳар йили қабул қилинадиган ижтимоий йўналишдаги Давлат дастурларини амалга ошириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қуйидаги тадбирларни корхоналар маблағлари ҳисобидан амалга ошириш кўзда тутилади:

а) Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандарини ўқув куруллари, дарсликлар ва мактаб формалари билан бепул таъминлайди;

б) Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини билим олиш учун тўланадиган контракт пулининг бир қисмини тўлаб беришни жамоа шартномаларида белгилайди;

в) Янги оила қурган ёшларга моддий ёрдам кўрсатади;

3. «Уюшма»нинг тегишли корхоналари имконият даражасида ходимларига, нафақага чиққанларга, ногиронларга, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатади.

4. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақлари бўйича қуйидаги миқдорда нафақалар берилади:

а) Байналминал-жангчилар ва уларга тенглаштирилган шахслар қарамоғида 16 ёшга етмаган (18 ёшгача ўқувчилар) уч ва ундан ортиқ фарзанди бўлган шахслар, Чернобил АЭС халокати оқибатларини тугатишда иштирок этганлар ва шу халокат натижасида радиоактив зарарланган зоналардан эвакуация қилинганлар ва



кўчирилганлар, оғир касалликларга (уткир лейкоз, адинома саратон) дучор бўлганлар, харбий хизматни ядровий полигонлар ва бошқа радиоактив-ядровий объектларда ўтган нафақа ёшидаги ногирон ходимларга, шунингдек меҳнат жароҳати ва касб касаллиги оқибатида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлган ходимларга тўлиқ иш ҳақи миқдорида;

б) ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича рўйхатда турган ходимларга умумий иш стажига боғлиқ ҳолда иш ҳақининг 80% дан 100% гача;

в) бошқа ҳолатларда умумий стажига боғлиқ ҳолда иш ҳақининг 60% дан 80% гача.

5. Корхоналар маблағлари ҳисобидан болалар оромгоҳларининг ёзги мавсумини талаб даражасида ўтказилишини таъминлаш, болалар оромгоҳлари йўлланмалари қийматларини 100 фоизгача қоплаш, 16 ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор ходимларга эса - шунингдек санаторийлар, профилакторийлар йўлланмалари нарҳини 100 фоизгача қоплаш корхона жамоа шартномаларида алоҳида белгилаб қўйилади.

6. Энергия ресурсларини тежаш бўйича кўрик танловлар ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш масаласи жамоа шартномасига киритилади.

7. Боқувчисини йўқотган ёлғиз ва кекса кишиларга жамоа шартномалари орқали ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатилади.

8. Янги иш ўринларини яратиш «Уюшма» ва жойлардаги иш берувчиларнинг дастурида алоҳида кўрсатилади.

9. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Меҳнаткашлар вакиллари тўғрисида»ги 135-Конвенциясига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 декабрда 196-рақам билан рўхатга олинган «Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида Низом»нинг 12-бандига биноан ходимларнинг қуйидаги тоифалари мазкур келишув мақсадларида Меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этиладилар ва ҳамкорлик қиладилар:

а) сайлаб қўйиладиган касаба уюшма органлари аъзолари;

б) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар;

в) меҳнат низолари комиссиясининг аъзолари.

10. «Ёши улуғ инсонлар, ёлғиз кексалар ва имконияти чекланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш дастури»ни амалга оширишга ҳар томонлама қўмаклашиш.

11. Ҳар йили «Наврўз» ва «Мустақиллик» байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказилади.

### **VIII. Маънавий-маърифий ишлар, жисмоний тарбияни оммалаштириш ишлари, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш**

1. Мазкур масалаларда «Тарафлар» қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

-тизимдаги ҳар бир ташкилотда маънавият ва маърифат хонасини ташкил этиш ва уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Республика Маънавият ва маърифат маркази тавсиялари асосида жиҳозлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар, стендлар билан таъминлаш;

-Иш берувчининг тасарруфида бўлган кутубхоналарни ташкилот ҳисобидан янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал

таъмирлаш ишларини ўтказиш, жиҳозларни янгилаб бориш;

-ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига шароит яратиш;

-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадий ҳаваскорликни ривожлантириб боришни ҳар тарафлама қўллаб қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари учун жойлардаги музейларга ҳамда тарихий ёдгорликларга

бой бўлган республикамиз ва унинг худудларига саёхатлар уюштириш;

-умумхалқ байрамларини нишонлаш кунларида турли мусобақалар, кўрик танловларини ташкил этиш;

-ходимлар, айниқса ёшларни маънавий-маърифий, гоъвий-мафкуравий дунёқарашини янада ошириш, сиёсий ва ҳуқуқий билимини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятини такомиллаштириш мақсадида, турли соҳа вакилларини жалб этган ҳолда давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, “Маънавият соатлари”ни ўтказиб бориш;

-«Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари» мавзусида ўқув семинарлари, тренинглари ўтказилиб бориш;

- ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, дам олдириш билан боғлиқ тадбирларни касаба уюшма кўмитасининг тавсияси асосида ташкил этиш;

- жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун моддий ва бошқа шароитлар яратиб бериш ҳамда меҳнат жамоасида ходимлар гимнастикасини жорий этиш;

-касаба уюшмаси фаолларини касаба уюшмаси фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ўқитишни ўз зиммасига оладилар.

2. Иш берувчи ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш дам олдириш, маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини амалга ошириш мақсадида маблағлар ажратади.

3. Республика кенгашининг «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик танловида тизимдаги ташкилотлар иштироки таъминланади.

4. Иш берувчи ва унинг қўйи ташкилотлардаги иш берувчилар “Ишонч” ва “Ишонч-доверие” газеталарига обуна бўлишда касаба уюшмасига кўмаклашади.

5. Меҳнат таътили даврида ходимлар учун республикадаги санаторий ва дам олиш масканларида, ёзги таътил даврида ходимларнинг фарзандларини болалар дам олиш оромгоҳларида хўжалик ҳисобидан соғломлаштириш ва дам олдириш ишлари ташкил қилинади.

6. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда дам олиши учун йўлланмалар Иш берувчи тизимидаги бошланғич касаба уюшма кўмиталари томонидан бериладиган буюртмалар асосида, улар томонидан тўланган ягона ижтимоий тўловлардан ва касаба уюшмасига аъзолик бадалларидан тушган маблағларнинг соғломлаштиришга ажратилган миқдорига мувофиқ равишда берилади. «Тарафлар» тизимда болалар соғломлаштириш оромгоҳлари мавжуд бўлса ёки янги ташкил этилса, уларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мавсумга ўз вақтида тайёрлаш ва маблағ ажратилишини таъминлайди.

7. «Тарафлар» тизимдаги ташкилотларда қабул қилинаётган жамоа шартномаларига соғломлаштириш учун иш берувчи томонидан ўтказилаётган маблағлар ҳисобидан кўп йиллар давомида тизимда фаолият юритган ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларга бепул йўлланмалар ажратиш бўйича имтиёзлар киритилишини таъминлайди.

**IX. Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган кўшимча имтиёз ва кафолатлар**

1. «Тарафлар» аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш борасида Халқаро меҳнат ташкилотининг қўйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этадилар:

“Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция;

“Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;

“Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида” 103-сонли Конвенция;

“Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;

“Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция.

2. «Тарафлар» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўзда тутилган куйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

а) хомилдор аёллар учун (78, 84, 224, 237, 228, 229, 143, 231, 233-моддалари);

б) икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (143, 227, 234, 236-моддалари);

в) уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (78, 84, 150, 224, 228, 228I, 234, 237-моддалари);

г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (150, 232-моддалари);

д) ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (васий, хомий) учун (230-модда);

е) ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (68, 144, 228, 229-моддалари);

ж) онасиз болаларни тарбиялаётган шахслар учун (235, 238-моддалари);

3. Ишловчи аёлларга туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътилар кунини корхона ҳисобидан узайтирилади.

4. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар таътилда бўлган оналарга йилда бир марта моддий ёрдам кўрсатилади.

5. Кўп болали (4 ва ундан ортиқ боласи бор) аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш хафтасини 1 соатга қисқартирилади.

6. Тиббий хулосага мувофиқ хомилдор аёлларга енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган иш ўринларини ажратилиши жамоа шартномаларида белгиланади.

7. Хомилдор аёлларни тиббий кўрикдан ўтишлари учун, уларнинг ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш иш берувчининг мажбуриятига киради (агар мазкур кўрикни ишдан ташқари вақтда ўтказиш имконияти бўлмаса).

## **Х. Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар**

1. Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли ҳамда “Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисида”ги 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб борилади.

2. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 241-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

3. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътилар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланадилар (МК-240-моддаси)

4. Корхона хўжалиқларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимларга белгиланган тартибда иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил, қисқартирилган иш хафтаси ва бошқа имтиёзлар корхоналарнинг жамоа шартномасида алоҳида белгиланади (МК нинг 249-моддаси).

5. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, кадрларни малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтларида ва курсларида ўқиётганларга қонунларда кўрсатилган барча имтиёзлар берилиши

жамоа шартномаларида алоҳида кўрсатилади.

6. «Тарафлар» ҳамда тизимдаги қуйи ташкилотлар раҳбарлари, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш бўйича мақсадли бандларни жамоа шартномаларига киритади ва бажарилишини таъминлайди.

7. Меҳнат бозорини таҳлил қилиш асосида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича мутахассислар тайёрлашни, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилишини таъминлаш, ёш кадрларни ўз иш ўринларида қўнимлилиги алоҳида назоратга оладилар.

8. Ёш ходимлар, мутахассислар ва касб усталари ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиб борадилар.

9. Ёш йигит-қизларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб этиш ишларини олиб бориб, жамоат ишида фаоллик кўрсатганларни мунтазам равишда касаба уюшма кўмиталари томонидан тақдирлаб борадилар.

10. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ёшларни меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар олиш ҳуқуқини берадилар. (МК-249-моддаси)

11. Ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш учун юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассисларни жалб этиш ҳамда ёшларни ишга қабул қилишда устоз бириктирилишини таъминлашни ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини шогирдликка олган устоз ходимларни рағбатлантиришни ўз зиммасига олади.

12. Узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек сафарбарлик чакируви захирасида хизмат ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш ишларини йўлга қўяди.

## **XI. Меҳнат низоларини ҳал этиш**

1. «Уюшма»нинг Меҳнат низоларини кўриш комиссияси Меҳнат Кодексининг тегишли моддаларига асосан, ташкил этилади ва фаолият кўрсатади.

2 «Тарафлар», ижтимоий шериклик принципларини тан олган ҳолда, жамоа шартномасининг бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларнинг олдини олиш чораларини кўришни ўз зиммасига оладилар. Баҳслашувлар ўзаро ишонч ва ҳурмат билан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ҳал этадилар.

3. Якка тартибдаги меҳнат низолари ва зиддиятлар иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси томонидан тенглик асосида ташкил топган ва мазкур Келишувнинг амал қилиш муддатига тузиладиган Меҳнат низолари комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

4. Жамоаларга доир меҳнат низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

## **XII. Касаба уюшмаларини тан олиш.**

1. «Уюшма» Республика кенгашини тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи ягона вакили деб тан олади.

2. «Уюшма» ва унга аъзо ташкилотлари раҳбарлари, фаолият юритаётган касаба уюшма кўмиталарини, ўз фаолиятларини юритишлари учун зарур бўлган жиҳозланган хоналар, алоқа ва транспорт воситалари билан таъминлайди.

3. Иш берувчи асосий ишидан озод қилинмаган касаба уюшма сайланма

органлари аъзоларига жамоа ишларини бажаришлари учун ўртача иш ҳақлари сақлаган ҳолда ҳафтада 2 соат бўш вақт ажратишини таъминлайди ва юқори касаба уюшма ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган ўқувлар, маданий-маърифий ва спорт йўналишидаги тадбирларда иштирок этишлари билан боғлиқ қисқа муддатли (бир ҳафтагача) хизмат сафари харажатларини (бориш ва келиш, суткалик харажатлар, меҳмонхонада яшаш ва х.к.) корхона ҳисобидан қоплаш мажбуриятини олади.

4. Асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма органлари (бошлангич бирлашган касаба уюшма кўмиталари) ходимларига моддий рағбатлантириш, хўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун мукофотлар, рағбатлантириш сувсизлик ва район коэффиценти ҳамда бошқа кўшимча тўловларни корхона маблағлари ҳисобидан тегишли раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларга тўланадиган миқдорда тўланади.

5. Касаба уюшма сайланма органларидаги лавозимларга сайланганликлари туфайли асосий ишидан озод қилинган ходимларга сайлов ваколатлари тугагандан сўнг аввалги ўз иши (лавозими) берилади, бундай (лавозим) бўлмаган тақдирда ходимнинг розилиги билан аввалгисига тенг келадиган бошқа иш (лавозим) тавсия этилади.

6. Касаба уюшма кўмиталари раислари ва ходимларининг иш ҳақлари учун касаба уюшма бюджетидан сарфланадиган маблағлар етишмаганда уларнинг иш ҳақлари учун тўланадиган маблағларнинг етишмаётган қисми корхона ва ташкилотлар ҳисобидан қопланади.

7. Касаба уюшма органларига сайланган ходимларни уларнинг сайлов ваколатлари тугагандан сўнг 2 йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатилишига, корхона тугатилишига (корхона тугатилиши ёки ходим томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишдан бўшатилишига асос бўлувчи хатти-ҳаракатлар бундан мустасно) йўл қўйилмайди. (Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари ва уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисидаги қонуни, 20-модда).

8. Касаба уюшма кўмитаси раиси ёки аъзосини (ташкилотчиси) корхоналардаги ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларига оид қарорлар қабул қиладиган коллегиял органлар таркибига киритилишини таъминлайди.

9. Тармоқ миқёсида илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратиш орқали меъёрий негизни ривожлантиришда Республика кенгаши билан бирга иш олиб боради.

10. Долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни муҳокама қилади, Республика кенгаши мутахассислари ва «Уюшма» вакиллари билан давра суҳбатларини ташкил этиб боради.

11. «Уюшма»нинг тасарруфидаги аъзо ташкилотлар раҳбарлари Республика кенгаши ва касаба уюшмасининг жойлардаги органлари томонидан меҳнат ва ижтимоий кафолатлар бўйича келишув ва жамоа шартномалари тузиш ҳуқуқларини тан оладилар.

12. «Уюшма» ўзига аъзо ташкилотларни касаба уюшмасига жалб этишда кўмаклашади.

13. Меҳнат жамоалари аъзолари қаторида асосий ишидан озод этилган касаба уюшмаси кўмитаси ходимларига ҳам жамоа шартномаларида белгиланган барча ижтимоий-иқтисодий манфаатлардан фойдаланиш ҳуқуқлари берилади.

### **ХIII. Келишувнинг амал қилинишида уни амалга ошириш механизми бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги.**

1. Мазкур келишув 2018-2020 йиллар учун тузилган бўлиб янгиси қабул қилинганга қадар амалда бўлади. Келишув Ўзбекистон Республикасининг



бутун худудиди тармоқ бўйича амал қилади.

2. «Тарафлар» мазкур Келишувни ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи ижтимоий шерикликнинг асосий хужжати деб эътироф этадилар ҳамда мазкур Келишувга амал қиладилар, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

3. Мазкур Келишувга имзо чеккан ҳар икки тараф унинг мақсадларини рўёбга чиқиши учун ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан оладилар ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этилишида ҳамкорлик қилиш мажбуриятини оладилар.

4. «Тарафлар» мазкур келишувнинг амал қилиш даврида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

а) ижтимоий меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан «Тарафлар»нинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказилади;

б) Заруратга қараб, лекин камида йилда бир марта келишувнинг бажарилишини «Тарафлар», ҳамкорликда ўтказиладиган мажлисларда муҳокама қилиб боради ҳамда ушбу масала бўйича «Уюшма» таркибидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

в) Келишувда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиб, тадбирларни бажармаслик фактлари аниқланганда «Тарафлар»ни хабардор қилади ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўради;

г) Зарурат туғилганда ва фақат ўзаро келишилгандан кейингина ушбу Келишувга «Тарафлар» олдин қабул қилган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритади;

д) Келишув бажарилишининг йиллик якуни тўғрисидаги ахборот ҳар икки томон вакилларидадан иборат бўлган комиссия томонидан тайёрланади ва «Уюшма» ҳамда касаба уюшма Республика кенгаши раёсати қўшма мажлисида муҳокама қилинади.

е) Келишувда кўзда тутилган мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаган маъсул мансабдор шахсларга нисбатан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўрилади.

ё) «Тарафлар» таркибий тузилишида ўзгаришлар ёки қайта тузишлар юз берган ҳолларда тегишли органлар уларнинг ҳуқуқий ворисларини аниқлайдилар ва ворислар ушбу келишувни бажаришга мажбурдилар.

ж) Келишувни тузган «Тарафлар» уни барча меҳнат жамоаларига ва касаба уюшма органларига етказишни таъминлайдилар.

5. Ушбу Келишувнинг белгиланган муддати тугагач, тегишли йилнинг январь ойидан, тизимдаги қуйи ташкилотларда эса жамоа шартномаларини – март ойидан кечиктирмай тузишни таъминлайди.

6. Ушбу Келишувдан фақат хизмат доирасида фойдаланилади.

2018 йил “ ” \_\_\_\_\_ да Тошкент шаҳрида тузилган

Ушбу келишувни имзоловчилар:



Ўзбекистон Агросаноат мажмуи  
ҳодимлари касаба уюшмаси  
Республика кенгаши раиси *В.В.В.*  
Т.Бозоров

“Паррандасаноат” уюшмаси  
раиси  
Р.Исматуллаев *Р.Исматуллаев*

